

Майит учун муҳим нарсалар



11:58 / 03.09.2024 2404

Бир мусулмон вафот этса, қолган мусулмонлардан унинг вафотини билганларга тўрт нарсани кифоя тарзида фарз бўлади. Яъни, ўша нарсаларни улардан баъзилари адо этса, кифоя қилади. Агар бир кишигина билса, ўша бир кишининг ўзига фарз бўлади.

Мазкур тўрт нарсани – майитни ювиш, кафанлаш, намозини ўқиш ва дафн қилишдир.

Абдуллоҳ ибн Аҳмад раҳматуллоҳи алайҳи «Муснад» китобида Убай ибн Каъб розияллоҳу анҳудан қуйидагиларни ривоят қиладилар:

«Одам алайҳиссаломнинг жонини фаришталар қабз қилганларидан сўнг у кишини ювдилар, кафанладилар, хушбўй нарсани суртдилар, қабр қазидилар, лаҳад қилдилар, жаноза намози ўқидилар, сўнгра қабрга қўйдилар-да,

устиларидан ғишт териб, қабрдан чиқиб, тупроқ тортдилар ва «Эй Бани Одам, ушбу – суннатимиздир», дедилар».

Маййит ювилаётганида кийимлари ечилади. Киндиги билан икки тиззаси ораси тўсилади. Орқасига мойил қилиб, ўтирғизилади. Қорнини бир неча марта силаб, ичидан ортиқча нарсалар чиқарилади. Кейин авратини тўсган ҳолда чалқанча ётқизиблиб, ювиш бошланади. Аввал таҳорат, кейин ғул қилдирилади.

Маййитни ювиб-тараб, озода, хушбўй қилиб кафанлаш, унга жаноза намози ўқиш Парвардигорига чиройли ҳолда рўбарў келиш учундир.

أَهْنَعُ هَلَلَايَ ضَرَّهَ يَطْعُمُ أَهْنَعُ
هَلَلَا لُؤْسَرَلَا قُتَلَا قُ
يَفَمُّ لَسَوِ هَيَلَعُ هَلَلَا يَلَصُ
نَأْدَبَا هِتَنْبَا لُسَغُ
ءُؤُضُؤُلَا عِضَاوَمَ وَأَهْنَمَايَمَبُ
ةَسْمَخُلَا هَاوَرُ. أَهْنَمُ

Умму Атийя розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«**Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қизларини ювишда** (ювувчи аёлларга) **ўнг тарафларидан бошланглар, унинг таҳорат жойларидан бошланглар**», дедилар».

Бешовлари ривоят қилганлар.

Шарҳ: Бу гапни Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам қизлари Зайнаб розияллоҳу анҳонинг жанозаларида айтганлар. Зайнаб розияллоҳу анҳо Абу Осс ибн Робеъ розияллоҳу анҳунинг завжалари эдилар.

Майитни юваётган киши қўлига латта қўлқоп кийиб олиб, олдин мустаҳаб қилдиради. Кейин бошқа қўлқоп кийиб олиб, ният билан таҳорат қилдиради. Сўнгра эса бошидан сув қуйиб, ғусл қилдиради.

«Ҳадис ва ҳаёт» китоби асосида тайёрланди